



## АНТРОПОНИМЛАРДА МОТИВАЦИЯ МАСАЛАСИ

*Мухаммаджон Мамажонов, Ph.D*

Фарғона давлат университети доценти, филология фанлари бўйича фалсафа доктори

**Аннотация:** Мазкур мақолада антропонимларнинг мотивацион ўзига хос хусусиятлари ва унинг айрим долзарб муаммолари тадқиқ қилинади.

**Калит сўзлар:** антропоним, мотив, мотивация, инстинкт, шахс, куй, персонаж, эпос, жанр, аффикс.

### Кириш

*Мотив* лот. мовео – “ҳаракатлантираман” сўзидан олинган бўлиб, психологияда одамда бирор йўналишда ҳаракат қилиш учун ички эмоционал-ҳиссий ҳолатнинг мавжудлиги кўзда тутилади. Мотив шахсни ҳаракатга ва фаолиятга ундовчи, эҳтиёжнинг юксак шакли сифатида пайдо, бўлувчи ички туртки ҳисобланади. Эҳтиёж ва инстинкт, майл ва ҳиссиёт, идеал ва бошқалар мотивлар жумласига киради. Ҳозирги замон психологиясида мотив атамаси субъектни фаоллаштирувчи турли ҳодиса ва ҳолатларни ифодалаш учун қўлланади. Хатти-ҳаракат ва фаолият мотивларининг мажмуаси мотивация дейилади. Мотив эҳтиёж негизида вужудга келади ва шаклланади. Эҳтиёжнинг барқарорлашуви мотивациянинг самарали шаклланишини таъминлайди. Ҳаракат фаолиятнинг таркиби бўлиб, у фаолиятнинг мақсади ва мотиви орқали бошқарилади. Баъзан “мотив” тушунчасини “эмоция”, “мақсад”, “установка” атамалари билан алмаштириш ҳоллари учрайди. Гоҳо туртки, кўзғовчи, ундовчи тушунчалари билан айнанлаштирилади [1,97].

### Асосий қисм

Изоҳли луғатларда мотив (русча-французча) сюжетнинг таркибий элементи, асарнинг асосий мазмуни, мавзуси (достон мотиви) [2,372] сифатида ҳам талқин этилади.

Ҳ.Ҳомидий, Ш.Абдуллаева, С.Иброҳимовалар мотивни (французча мотив – куй, оҳанг, мақом сўзидан) музика асарининг асосий элементи. Адабий асарда мотив асарнинг асосий темасидан фарқли равишда унинг кўшимча, иккинчи даражали темалари бўлиб, у асосий тема билан биргаликда бадиий жиҳатдан тугал таркиб топган бир бутун нарса сифатида юзага келади [2,372], деб изоҳлайдилар.

Д.Қуроно, З.Мамажонов, М.Шералиеваларнинг “Адабиётшунослик луғати”да [4,180] мотив (лот. мовео – ҳаракатлантираман) – мусиқашуносликдан ўзлаштирилган термин эканлиги таъкидланган ҳолда, бадиий асар поэтикаси билан боғлиқ ҳолда талқин этилади. Уларнинг фикрича, мотив мусиқада асарнинг энг кичик шакл бирлиги саналиб, асар унинг айнан такрорланиши (шунингдек, ўзгартирилиши ёки зид мотивлар киритиш) асосида ривожланади. Адабиётшуносликда мотив термини турлича маъноларда қўлланади. Жумладан, воқеабанд асарларда мотив сюжет схемаси (масалан, “Алпомиш” достонида Ҳакимбек банди этилади; унга пирлар ёрдам беради; “Кунтуғмиш” достонида кимсасиз етимликдан юксак мартабага етади (Моҳибой, Гуркибой) ва ҳоказолар.

Халқ оғзаки ижоди билан боғлиқ ҳолда фольклоршуносликда мотив – (фр. мотив – куй, оҳанг) сюжет таркибидаги халқалардан бири сифатида талқин қилинади. Шу маънода



мотив атамаси халқ оғзаки ижодида, хусусан, дoston, эртақ каби катта эпос жанрларни ўрганишда ишлатилади. Масалан, қаҳрамоннинг ғайритабиий туғилиши мотиви, персонаж сафардан қайтганда севгилиснинг тўйи устидан чиқиши, турли хил куч ва маҳорат синовлари мотиви ва ҳоказолар. Ўзбек фольклоршунослари Х.Зарифов, М.Афзаловлар ўз тадқиқотларида оғзаки ижод намуналарида мотив табиатини ўрганишга алоҳида эътибор қаратганлар [5,138].

Тилшуносликда мотив тушунчаси сўз ясаши билан боғлиқ ҳолда тадқиқ қилинади. Мотивланган сўз ясама асосга эга бўлган, маъноси яшаш асоси ва ясовчи аффикс орқали ифодаланиб турадиган сўз ҳисобланади. *Масалан, ишсиз-лик, ишчан-лик* сўзлари. Яшаш асоси бўлиб келган сўз мотивловчи сўз деб юритилади. *Масалан, ишчи, ишла* сўзларидаги *иш* қисми [6,58]. Бир ўзак морфемага эга бўлган, ўзаро бирин-кетин мотивланувчи ҳолатдаги сўзлар қатори сўз ясашиш занжири деб юритилади: *тер-терим, теримчи-теримчилик* каби [6,58].

Айни бир ясовчи воситасида ҳосил қилинган (мотивланган) сўзлар учун умумий бўлган маъно сўз ясашиш маъноси, ясовчи асос билан ясама орасидаги мотивация эса сўз ясашиши мотивацияси деб юритилади.

Мотивация билан боғлиқ ҳолда сўз ясашиш типи таҳлил этилар экан, сўз ясашишининг уч умумий белгиси назарда тутилади:

1. ясовчи асос (мотивловчи сўз) бир туркумга оид бўлган;
2. айни ясовчи аффикс билан ясалган;
3. сўз яшаш маъноси бир хил бўлган тури. Масалан, отлардан -ли аффикси ёрдамида ясашиб, асосдан англашилган нарсага эгаликни ифодаловчи *кучли, сирли, ёғли* каби сифатлар сўз ясашишининг бир типи ҳисобланади [6,58].

Профессор А.Нурмонов ҳар қандай белгида ўзаро маълум муносабатда бўлган икки объект мавжуд бўлади. Объектлар ўртасидаги муносабат икки хил: сабаб-натижали ва шартли муносабат. Сабаб-натижали муносабатда объектлар ўзаро мотивланган, шартли муносабатда эса мотивланмаган бўлади [7,100], деб талқин этади. Унинг фикрича, ҳар қандай сўз ясашиши мотивловчи база (ясашиш асоси) ва мотивланувчи сўзларнинг муайян мотивация воситаси (формант) орқали мотивация муносабатига киришуви натижасидир. Демак, ҳар қандай сўз ясашиши уч элементининг муносабатидан ташкил топади; *ясашиш асоси+ясовчи восита=ясалма*. Бу ерда биринчи ва учинчи элементлар маълум бир тилнинг муайян (синхрон) даврида мустақил луғавий бирликлар сифатида намоён бўлади. Айни чоғда, бу луғавий бирликлар ўзаро мотивация муносабатига бўлади.

Мотивация эса тилшуносликда икки хил тарзда талқин қилинган бўлиб, биринчисида ном қўйиш учун асос бўлган экстралингвистик воситалар – ният, хоҳиш, истак, орзу, ишонч, эътиқод қабилар тушунилади. Бундай талқинлар замирида адабиётшунслик, мантиқ, юридик фанлардаги мотив атамаси билан алоқадорлик ётса, иккинчисида ҳар қандай сўз ясашиши мотивловчи база (ясашиш асоси) ва мотивланувчи сўзларнинг муайян мотивация воситаси (формант) орқали мотивация муносабатига киришуви натижаси тушунилади [7,165]. Шунингдек, айни бир ясовчи воситасида ҳосил қилинган (мотивланган) сўзлар учун умумий бўлган маъно сўз ясашиш маъноси, ясовчи асос билан ясама орасидаги мотивация сўз ясашиши мотивацияси деб юритилади [6,58].

Антропонимлардаги мотивация бир неча хил бўлиб, улар, бевосита, муайян халқнинг тафаккур тарзи билан чамбарчас боғлиқ. Уларда халқнинг тафаккур тарзи тараққиёти



(мифологик, диний, фалсафий, илмий дунёқараш тадрижи) акс этади. Шунинг учун исм танлашдаги мотивациялар магик, диний, тарихий, орзу-истак, жой-маконга оид бўлади.

Антропонимлар ҳар бир халқнинг миллий урф-одатларини, анъаналарини, фалсафий, диний, дунёвий қарашларини ўзида мужассам этади. Ўзбекларда ҳам болага исм қўйишда халқнинг минг асрлик қарашлари намоён бўлади. Шунинг учун ҳар бир исм ҳалқимизнинг фалсафий, илмий, дунёвий ва диний тафаккури меваси ҳисобланади. Чунки антропонимлардаги мотивация тарихий, диний, магик қарашлар, орзу-истак, табу ва эвфемизм билан боғлиқдир.

Эътибор бериладиган бўлса, исмлар орқали биз кўп нарсаларни билиб олишимиз ҳам мумкин. Жумладан, исмлар ота-онанинг муайян вақтдаги иқтисодий ҳолати ёки эришган ютуқларини (*Омадхон, Зафар, Фолиб*), тақдирини (*Ёдгор*), истакларини (*Турсунбой, Ўлмасхон, Бахтиёр, Шухрат, Шавкат, Одил*), орзу-ҳавасларини (*Муҳаммад, Ислом, Шерали, Асадбек, Озод*) ҳам ўзида акс эттиради. Хуллас, кўпгина инсонлар исмининг ўз тарихи ва изоҳи борлиги айтиш мумкин.

Ҳар қандай биологик жонзотда бўлгани каби инсонда ҳам ўз наслини асраш инстинкти мавжуд бўлиб, бу инстинкт бошқа жонзотлардан фарқли равишда ўз наслини фақат турли жисмоний таҳдидлардангина эмас, балки турли руҳий таҳдидлардан ҳам асраш инстинкти ҳисобланади. Бу ҳол исм қўйишда ҳам ўз ифодасини топади. Бу эса тилдаги исмларнинг аксариятида гўдақнинг турли хавфлардан ҳимоя қилиш ғояси, нияти мужассамлашишига олиб келади. Шу сабабли бундай исмларнинг юзага келишида қадимий тотемистик, анимистик тасаввурлар, кўхна диний ақидалар, сиғинишларнинг бошқа хил кўринишлари, удумлар, кейинчалик эса ислом дини таълимоти билан алоқадор бўлган диний, фалсафий қарашлар, эътиқод ва ишончлар асосий роль ўйнайди. Бу тариха юзага келган исмлар маъноси ўша номни танлаган ёки ижод қилган кишилар доираси учунгина маълум бўлади. Одатда бундай номлар ота-оналарнинг маълум индивидуал хоҳиш-истакларини ифодалайди ёки фавқулодда яратилади. Бу каби исмлар кейинчалик кенг удум бўлиши, кенгроқ тарқалиши туфайли умумиллий ёки минтақавий номлар қаторига ўтиши ҳам мумкин.

### Хулоса

Антропонимлар тарихан ва ҳозирги кунда ҳам магик қарашлар билан боғлиқ мотивацион хусусиятларга эга. Бу, айниқса, фольклор (халқ оғзаки ижод)да ёрқин акс этади. Масалан, ўзбек халқ оғзаки ижоди намунаси “Гўрўғли” эпосида ҳам шу жиҳатни кўришимиз мумкин. Чунки “Гўрўғли” достонидаги антропонимларнинг аксарияти магик ва диний қарашлар билан боғлиқ.

“Гўрўғли” достонининг турли вариантлари бўлиб, уларда мифологик қарашлар етакчилик қилади. Чунки қаҳрамоннинг онаси ҳомиласи олти ойлигида ҳалок бўлиб, гўрга қўйилади. Ҳомила ер ости (ўзга олам)да “ўлик тана”да уч ой ривож топиб, кўклам келиши билан туғилиб, ер юзига чиқади, у ёруғ оламда улғайиб, камолга етиб, кексайиб, яна ўз макон (гўр)ига қайтиб кетади. Лекин қаҳрамон (достоннинг қолган вариантларида ҳам) ёруғ оламга бир йилда бир маротаба қайтади. Бу тартиб айтиш фабуланинг табиий равишда ўлиб тирилувчи табиат билан боғлиқ миф ва маросимларга алоқадорлигини кўрсатилади. Яъни қаҳрамон уч ой ер тагида етилиб, кўклам билан бирга туғилиб, уч ой (кўклам фасли) давомида тетапоя бўлиб, уч ой (ёз) баробарида вояга етиб, улғайиб (қайта ҳомила топиб), навбатдаги уч ой (куз)да камолга етишиб, қартайиб, ҳомиласи олти ойлик бўлиб, қайта ўзга макон – ғор (киш қўйни)га кириб, уйқуга кетади ва яна баҳорда уйғонади (тирилади).



**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi. VI tom. – Toshkent: Davlat ilmiy nashriyoti. 2003.
2. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 1981. I том.
3. Ҳомидий Ҳ. Абдуллаев Ш. Иброҳимова С. дабиётшунослик терминлари луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1967.
4. Д.Куронов, З.Мамажонов, М.Шералиева. Адабиётшунослик луғати. – Тошкент, 2013.
5. Salayev F., Qurboniyozov G. Adabiyotshunoslik atamalarining izohli soʻzligi. – Toshkent: Yangi asr avlodi, 2010.
6. Ҳожиёв А. Лингвистик терминларнинг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1985. – Б. 58.
7. Nurmonov A. Tanlangan asarlar. II-jild. – Toshkent, Akademnashr, 2012.
8. Нурмонов А. Танланган асарлар, III жилд, – Тошкент: Академнашр, 2012.
9. Маматҗонов, М. (2019). Фольклор асарлари персонажлари исмларининг дискурс релеванти сифатида қўлланилиши. *Буюк инанк йўлида фольклор санъатининг ривожланиши жараёнлари*.
10. Маматҗонов, М. (2019). АНТРОПОНИЛАР ДИСКУРС РЕЛЕВАНТ СИФАТИДА. *FarDU. ILMIY XABARLAR.-Научный вестник. ФерГУ*.
11. Маматҗонов, М. (2015). КИШИ ИСМИ БИЛАН БОҒЛИҚ МУРОЖААТ ШАКЛЛАРИ. «ТЕНДЕНЦИИ И ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ НАУКИ И ОБРАЗОВАНИЯ В УСЛОВИЯХ ГЛОБАЛИЗАЦИИ».
12. Маматҗонов, М. (2021). АНТРОПОНИМЛАРНИ ДИСКУРС РЕЛЕВАНТИ СИФАТИДА ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ ЛИНГВО-ЭТНОМАДАНИЙ АСОСЛАРИ. *FarDU. ILMIY XABARLAR.-Научный вестник. ФерГУ*.
13. Маматҗонов, М. (2021). ДИАЛОГИК ДИСКУРСДА АНТРОПОНИМЛАРНИНГ КОММУНИКАТИВФУНКЦИОНАЛ ХУСУСИЯТЛАРИГА ДОИР. *FarDU. ILMIY XABARLAR.-Научный вестник. ФерГУ*.
14. Маматҗонов, М. (2021). ТИЛШУНОСЛИҚДА ВАРИАНТЛИЛИК МАСАЛАСИ ВА УНИНГ БОШҚА ҲОДИСАЛАР БИЛАН МУНОСАБАТИ. *FarDU. ILMIY XABARLAR.-Научный вестник. ФерГУ*.
15. Mirzamatova, Z., & Mamajonov, M. (2022). LEXICAL-SEMANTIC AND METHODOLOGICAL CHARACTERISTICS OF DIPLOMATIC TEXTS. *Академические исследования в современной науке, 1(15), 61-63*.
16. Мо'minoва, Т. (2015). ЖИСМ, ИСМ ВА ҲУСН. «ТЕНДЕНЦИИ И ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ НАУКИ И ОБРАЗОВАНИЯ В УСЛОВИЯХ ГЛОБАЛИЗАЦИИ».
17. Маматҗонов, М. INDICATORS OF SOCIAL STATUS OF THE PERSON.
18. Маматҗонов, М. Ү. (2021). ANTHROPONYMS IN FOLKLORE AND THEIR ETHNOCULTURAL FEATURES. *Theoretical & Applied Science, (6), 553-555*.
19. Маматҗонов, М. Ү. (2021). ON THE COMMUNICATIVE AND FUNCTIONAL PROPERTIES OF ANTHROPONYMS IN DIALOGICAL DISCURSE. *Theoretical &*





- Applied Science*, (6), 534-537.
20. Mamajonov, M. (2020). December). Place of anthroponyms asdiscourse relevant. In Konferencii.
  21. Mamajonov, M. (2019). ON THE MATTER OF PRAGMATICS OF NAMES IN UZBEK LANGUAGE. *Theoretical & Applied Science*, (11), 316-318.
  22. Мамажонов, М. Ю. (2022). АНТРОПОНИМЛАРНИНГ КОММУНИКАТИВ-ФУНКЦИОНАЛ ХУСУСИЯТЛАРИГА ДОИР. *BARQARORLIK VA YETAKCHI TADQIQOTLAR ONLAYN ILMIY JURNALI*, 2(11), 37-44.
  23. Мамажонов, М. Ю. (2022). АНТРОПОНИМЛАРНИНГ ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИДАГИ ЎРНИ ХУСУСИДА. *BARQARORLIK VA YETAKCHI TADQIQOTLAR ONLAYN ILMIY JURNALI*, 2(11), 45-50.
  24. Yusubjonovich, M. M., & Bahodirjon o'g'li, N. B. (2022). On the Toponyms of Fergana Region. *INTERNATIONAL JOURNAL OF LANGUAGE LEARNING AND APPLIED LINGUISTICS*, 1(2), 1-4.
  25. Umarova, N. R., Zokirov, M. T., Dusmatov, X. X., Amonov, M. U., & Mamajonov, M. Y. (2020). Frame Structure Of The Concept" Gold" In Navoi's Poem" Iskander's Wall". *Psychology and Education. Journal*, 57(8), 542.
  26. Rustamovna, U. N., & Turdaliyevich, Z. M. (2020). Frame Structure of The Concept "GOLD" in Navoi's Poem "ISKANDER'S WALL". *Iranian Journal of Language Teaching Research*, 9(16), 346-357.
  27. Mamajonov, M. (2020). December). Place of anthroponyms asdiscourse relevant. In Konferencii.
  28. Mamajonov, M. (2020, December). Place of anthroponyms asdiscourse relevant. In *Конференции*.
  29. Zokirov, M., & Isomiddinov, F. (2020, December). About the holes of language language dictionary. In *Конференции*.
  30. Turdaliyevich, Z. M. (2022). To the Question of the Study of Arabisms in the Persian Language. *Spanish Journal of Innovation and Integrity*, 5, 566-570.
  31. Turdaliyevich, Z. M. (2022). Analysis of Phraseological Units in Tohir Malik's Novel" Talvasa". *Spanish Journal of Innovation and Integrity*, 6, 364-368.
  32. Zokirov, M. T., & Dadabayeva, S. S. (2020). ABOUT THE ROLE OF LANGUAGES CONTACTS IN THE DEVELOPMENT OF LANGUAGES. *Theoretical & Applied Science*, (4), 687-691.
  33. Зокиров, М. Т. (2017). ТИЛШУНОСЛИК ВА ТАРИХ. *Актуальные научные исследования в современном мире*, (4-2), 45-49.
  34. Зокиров, М. Т. (2015). Об общей характеристике билингвизма. *Учёный XXI века*, (7-8 (8-9)), 24-27.
  35. Turdaliyevich, Z. M. (2022). YOZUVNING KELIB CHIQISH TARIXI. *BARQARORLIK VA YETAKCHI TADQIQOTLAR ONLAYN ILMIY JURNALI*, 2(9), 56-62.
  36. Turdaliyevich, Z. M., & Muzaffar, M. (2022). INGLIZ TILIDAGI REKLAMA



MATNLARIDA ANTROPONIMLAR QO ‘LLANISHI XUSUSIDA. *BARQARORLIK VA YETAKCHI TADQIQOTLAR ONLAYN ILMIY JURNALI*, 2(8), 121-124.

37. Turdialiyevich, Z. M. (2022). BADIY NUTQ USLUBINING TARAQQIYOTI. *BARQARORLIK VA YETAKCHI TADQIQOTLAR ONLAYN ILMIY JURNALI*, 681-685.
38. Zokirov, M. T., Zokirova, S. M., & Dadabayeva, S. S. (2021). About The Influence Of The Uzbek Language In Rishtan Tajik Dialects Of Ferghana Region. *Turkish Online Journal of Qualitative Inquiry*, 12 (4).